

Biznes-Эксперт

№ 7, 2015

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

МОЛИЯ

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

ИЛМИЙ АМАЛИЁТ

УШБУ СОН МАВЗУСИ:

Иқтисодиётни
модернизациялаш
шароитида корхоналарда
корпоратив бошқарув тизими
самарадорлигини ошириш
масалалари 8

ТЕМА НОМЕРА:

Сравнительный анализ современных
зарубежных мультиистинговых
систем объектов недвижимости 81

ПРИВАТИЗАЦИЯ

ФИНАНСЫ

ЦЕННЫЕ БУМАГИ

НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

29

Корхоналарда персонални
бошқариш тизими
самарадорлигини оширишнинг
ташкилий-иқтисодий шартлари

73

Кичик бизнеснинг
ривожланишида рақобат
муҳитининг давлат томонидан
тартибга солиниши

Инвестиции и проблемы
повышения качества
экономического роста

Модель выбора
номенклатуры
неоднородной
продукции

86

96

ВНИМАНИЕ!

Согласно постановлению Президиума Высшей
аттестационной комиссии при
Кабинете Министров Республики Узбекистан
№201/3 от 30 декабря 2013 года, журнал
«Biznes-Эксперт» внесен в реестр научных
изданий Высшей аттестационной комиссии
для докторских диссертаций.

Мундарижа

Қонунчилик

- Ғолибжон ТУРСУНОВ. “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг “Тошкент” Республика фонд биржасини ривожлантиришда тутган ўрни 3

Жараён

- Гулбаҳор ШАКИРОВА. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналарда корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш масалалари 8

Таққос ва таҳлил

- Эрали ТУРДИЕВ, Зулфизар ПАРДАЕВА. Бошқарув ҳисобининг назарий ва услубий асослари 11

Халқаро амалиёт

- Самариддин ЭЛМИРЗАЕВ. Акцияларни очиқ обуна тартибида халқаро фонд биржаларида жойлаштиришнинг ташкилий хусусиятлари 18

Капитал

- Элмурод ҲОШИМОВ. Интеграцион жараёнларни чуқурлаштиришда валюта-молия соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг ўрни 24

Бозор тамойиллари

- Бахтиёр ДЕДАЖАНОВ, Фотима ЭРҒАШЕВА. Корхоналарда персонални бошқариш тизими самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий шартлари 29

Маркетинг

- Шаҳнозахон КАМБАРОВА. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда мақсадли маркетингдан фойдаланиш 32

Молия

- Анвар СИДДИҚОВ, Нозима ПЎЛАТОВА, Ойбек РАҲИМБЕРДИЕВ. Кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг интеграллашган тизими ва унинг ахборот таъминоти 36

АКТ

- Дилшода ГАФУРОВА. Жаҳон ахборот технологиялари бозорини ривожланиш йўналишлари ва уни Ўзбекистонга таъсири 41

Таҳлил

- Феруза АБДИНАЗАРОВА. Ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиришнинг услубий жиҳатлари 46

Тадқиқот

- Гулшан АБДУЛҲАЕВА. Сув ресурслари таъминоти ўзгарувчан шароитда ундан оқилона фойдаланиш йўналишлари 49

Назария ва амалиёт

- Ғ.Ҳ.ҚУДРАТОВ, Ж.М.ҚУРБОНОВ. Савдода автоматик комплексларнинг қўлланишида математик моделлаштиришдан унумли фойдаланиш 53

Соҳа тараққиёти

- М.Н.ИРИСБЕКОВА. Транспорт хизматлари бозори конъюнктурасини ўрганишда маркетинг ахборотлар тизимини такомиллаштириш 56

Бандлик

- Юлдуз УРУНБАЕВА. Хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли турмуш даражасига таъсири 60

Нуқтаи назар

- И.К.ҒИЁСОВ. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналарда бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш йўллари 64

Кун мавзуси

- Азиза ҲАМИДОВА. Олий таълим тизимида таълим жараёни сифатини бошқариш самарадорлигини ошириш масалалари 68

Стратегия

- Манзура АБДУРАХМОНОВА, Дилноза ЧИЛМАТОВА, Сурайё БАБАДЖАЛАЛОВА. Кичик бизнеснинг ривожланишида рақобат муҳитининг давлат томонидан тартибга солиниши 73

Долзарб мавзу

- Шохиста АХУНОВА. Минтақани инновацион ривожлантириш стратегияси ва йўналишлари 76

Содержание

Актуальная тема

- Айбениз МУСТАФАЕВА. Сравнительный анализ современных зарубежных мультиалистинговых систем объектов недвижимости 81

Рыночные исследования

- Акмал Атхамов, Хасан ТУРАЕВ. Инвестиции и проблемы повышения качества экономического роста 86

Инфраструктура

- Н.А. ХАСАНОВА. Инвестиционная привлекательность сферы инфокоммуникационных технологий (ИКТ) в Узбекистане 91

Аналитика

- Ж. САУХАНОВ, Д. МЕНДАЛИЕВ. Модель выбора номенклатуры неоднородной продукции 96

УДК: 338.24+65.011.8(575.1)

Корхоналарда персонални бошқариш тизими самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий шартлари

Иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация қилиш жараёнлари – барча соҳаларда кенг қамровли ислохотларни изчил давом эттиришни талаб қилмоқда.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришда барқарор юқори ўсиш суръатлари кузатиламоқда. Мисол учун, мамлакатимизда ўтган 2014 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот 8,1 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоизга, капитал қурилиш 10,9 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этмоқда. Рақамлардан кўриб турибмизки, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланишида ишлаб чиқариш корхоналарининг аҳамияти кундан-кунга ортиб борапти. Ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодини ривожланишида асосий омиллардан бири – инсон омилidir. Бугунги кунда корхоналарда меҳнат салоҳиятини бошқариш, улардан самарали фойдаланиш, ҳозирги замонга мос бошқарувни талаб этмоқда. Саноат корхоналари бошқарувида ходимларининг сони, салоҳияти, шаклланиши, ривожланиб бориши, таркибий қисми – ишлаб чиқариш жараёнида сезиларли аҳамиятга эга. Бу борада Юртбо-

Бахтиёр ДЕДАЖАНОВ,
НамМТИ и.ф.н., доцент
Фотима ЭРГАШЕВА,
Катта илмий ходим-изланувчи.

Аннотация

Мақолада саноат корхоналарида персонални бошқариш ва уни бозор тамойилларига асосланган ҳолда ташкил этишнинг назарий ва услубий асослари, персонални бошқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари ёритиб берилган.

В данной статье рассмотрены теоретические и методологические основы управления персоналом и его эффективное использование на промышленных предприятиях в условиях рыночных преобразований.

This article describes in theory and methodological foundations of human resource management and its effective use in industrial conditions of market transformations

шимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисида: “Саноатнинг енгил, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларида ишчиларнинг энг кўп сони илгариги 100 кишидан 200 кишигача оширилгани кичик бизнесни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлар тизимидаги муҳим қарор бўлди.” [1] дея фикрни билдирган эди.

Демак, саноат корхоналарида персонални бош-

Калит сўзлар: персонални бошқариш, бошқарув тизими, бошқариш тизими самарадорлигини, бошқаришнинг замонавий тамойиллари

қариш ва улардан самарали фойдаланишни бозор муносабатлари тамойилларига мос равишда ташкил этиш лозим. Персонални бошқаришнинг замонавий тамойиллари – ходимларни, меҳнат жамоаларини, ишлаб чиқаришдаги муносабатлар жараёнларини бошқаришда ўзига хос ифода ва мустақил моҳият касб этади. (2) Бошқарув тамойиллари ходимларнинг, шунингдек, корхонани бошқариш тизимининг турли бўғинлари раҳбарларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ тартибга солишни назарда тутати. Иш жараёнида раҳбарнинг ва ходимларнинг масъулият доиралари ҳам маълум бўлиши лозим. Ходимлар қай даражада ҳаракат қилиш ҳуқуқи ва имкониятларига эга эканлиги белгиланиши керак. Бу корхонанинг мақсадларига эришишда муҳим аҳамиятга эга. (3)

Корхонанинг мақсади – бу барча бўлинмаларнинг самарали фаолият юритилиши ҳисобланади. Бундай ҳолатда персонални бошқариш учун мақсадлар тизимини икки тарафлама кўриб чиқиш мумкин. Яъни, бир томондан у ходимларнинг аниқ талаблари қанақа, уни қондириш учун уларни маъмуриятдан талаб этишларига ҳақлари борми, деган саволга жавоб бериш лозим. Иккинчи томондан эса ушбу мақсадлар тизими маъмуриятнинг ўз олдига персоналдан фойдаланиш бўйича қандай мақсадларни қўйгани ва бунинг учун у қанақа шароитларда ҳаракат қилмоқда, деган саволга жавоб бериш керак.

Демакки, корхонада персонални бошқариш самарадорлиги ушбу икки гуруҳлар мақсадлари ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг қай даражада ечилишига боғлиқдир.

Замонавий корхоналарда персонални бошқариш самарадорлиги корхона ривожланишининг ҳар бир босқичида қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилиши зарур:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш шакллари мукаммаллаштириш;
- ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида тежамкорликка риоя қилиш, корхонани юқори даромад олиши;
- ишлаб чиқаришнинг моддий-техника асосини таъминлаш;
- ходимлар меҳнатини ташкил қилиш, амалдаги стандартлар, меъёрий ҳужжатлар ва давлат томонидан қабул қилинган қонун-қоидаларга риоя қилиш;
- ихтисослаштирилган иш жойига доимий равишда боғланган операцияларни бажариш;

– маҳсулот ишлаб чиқаришда кўп меҳнат талаб қиладиган ва қўл ёрдами билан бажариладиган ишлар ҳажмини камайтириш, механизациялашган ва автоматлашган жараёнларнинг улушини кўпайтириш;

– доимий равишда бириктирилган битта операцияни бажариш учун иш жойини ихтисослаштириш;

– махсус ускуналар ва юқори унумли анжомларнинг улушини маълум даражада кўпайтириш;

– ишлаб чиқариш бошқариш функциясини марказлаштириш ва оператив режалаштириш.

Шулардан келиб чиқиб, персонални бошқариш тизими самарадорлигини ошириш бир нечта ташкилий-иқтисодий шартларга бориб тақалади. Корхоналарда персонални бошқариш тизими самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий шартларига:

– корхоналарда бошқариш функциялари – режалаштириш, ташкил қилиш, рағбатлантириш, назоратни бажариш харажатларини камайтириш;

– бошқарувнинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш, бошқарув бўлинмаларининг таркиби ва сони, мавжуд бошқарув даражаларининг сонини такомиллаштириш;

– ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва уларнинг касбий малакасини тўхтовсиз ошириб боришни самарали йўлга қўйиш;

– бошқарув ходимлари сонини камайтириш, ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, касбий малакасини ошириш;

– ЭХМдан фойдаланишни яхшилаш, оргтехникалардан фойдаланишни яхшилаш;

– ахборотлар билан ишлашни такомиллаштириш (ахборотни қайта ишлашда меҳнат ҳажмини пасайтириш, ҳужжатлар билан ишлаш харажатларини пасайтириш, ҳужжатлаштиришдаги хатоликларни камайтириш);

– бошқарувнинг иқтисодий усуллариининг ролини ошириш, мотивлаштиришни такомиллаштириш, иш ҳақи тўлашни такомиллаштириш;

– бошқарув қарорларини асослаш, қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, амалга ошириш даврини қисқартириш;

– меҳнат тақсимооти ва меҳнат кооперациясини такомиллаштириш;

– замонавий илғор меҳнат усуллари ва услубларини ўрганиш, уларни кенг ёйиш;

– иш вақтини йўқотишни қисқартириш;



- ишлаб чиқаришнинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш;
- ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш;
- ишчиларга эркинлик бериш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, кадрлар қўнимсизлигини пасайтириш, меҳнат меъёрлари сифатини яхшилаш;
- иш жойларини тўғри ташкил этиш, ҳамда иш жойига хизмат кўрсатишни яхшилаш, илғор тажрибани кенг ёйиш;
- ишлаб чиқариш майдонлари ва транспорт воситаларидан, машина ва асбоб-ускуналардан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаштириш даражасини ошириш;

- материал ресурсларини меъёрдан ортиқча захираларини камайтириш;
- айланма маблағларни айланувчанлигини тезлаштириш;
- қўлланаётган технологиянинг илғорлик даражасини ошириш, технологик жараёнларда қўл меҳнатининг солиштира улушини камайтириш;
- маҳсулот ва хизмат сифатини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш ва шу кабиларни киритиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган персонални бошқариш тизими самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий шартларини тўғри бажарилишида – саноат корхоналари иқтисодий самарадорликка эришиши, юқори даромад олишга имконият яратиб беради.

Фойдаланган адабиётлар:

1. И.А.Каримов. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” <http://uza.uz/oz/politics/-tub-tarkibiy-zgarishlarni-amalg-17-01-2015>.
2. М.М.Юлдашева. “Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кооператив тузилмаларда персонални бошқаришни такомиллаштириш”. 08.00.13 – “Менежмент ва маркетинг”, и.ф.н. илмий даражаси диссертацияси. ТДИУ, – Т.;2010-1516
3. П.В. Забелин и др. “Предпринимательский менеджмент”. Учебно-практическое пособие. М.: ПРИОР. 1999.